

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖИХАТЛАР.

Сабинова Н.И., Олмазор тумани 29-ИДУМ психологи

Психологик ёрдам кўрсатиш амалиёти ўз методологиясига эга бўлиб, бунда психологик хизмат кўрсатишнинг мақсадини белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Мақолада таълим муҳитида психологик ёрдам кўрсатиш масаласига доир фикр-мулоҳазалар юритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим муҳити, психологик фаолият, педагогик муҳит, психологик коррекция, психологик ёрдам, психологик ҳолат, психологик билим, ривожланиш психологияси, ижтимоий мавқе.

Практика оказания психологической помощи имеет свою методологию и при этом важным является определение цели оказания психологической помощи. В данной статье автор анализирует вопросы оказания психологической помощи в условиях образовательной среды и высказывает мнения по данной проблеме.

Ключевые слова и понятия: образовательная среда, психологическая деятельность, педагогическая среда, психологическая коррекция, психологическая помощь, психологическое состояние, психологические знания, психология развития, социальный статус.

Ўқувчи шахси камол топишини таъминлаш таълимий материалларни фаол тарзда ўзлаштириш масаласига урғу бериш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида таълим жараёнини таъминлашга кўмакловчи мутахассисларнинг функционал ролига талаб ошиб борилаётганлигини кўрсатмоқда¹. Таълим жараёнини таъминлашга кўмакловчи мутахассислар деганда, педагог, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарининг касбий-педагогик, индивидуал-шахсий мазмунларга эга бўлган муаммоларини илмий методикалар ёрдамида ўрганиб, мутахассис сифатида таклиф ва тавсияларни берибгина қолмасдан, аниқланган нуқсоннинг психологик коррекциясини амалга ошириш учун фаолият юритувчи психолог, дефектолог ва логопедларни тушуниш лозим. Гарчи улар фаолиятининг мақсади ва шакли бир-биридан фарқланса-да, аммо фаолият объекти ўқувчи шахси ҳисобланади. Улар фаолияти давомида ўқувчи шахсини ўрганиб, мактаб таълимининг амалиётига психологик билимларни киритиб, педагог томонидан ўқувчи шахсининг ички дунёсини чуқур билиш учун амалий ёрдам кўрсатадилар.

¹ Хребина С.В. Организационная психология образования: феноменология и концепция развития. // Автореферат диссертации доктора психологических наук. - Сочи: Научно-образовательный центр РАО, 2007. –С.27.

Психологик ёрдам олиш, биринчидан, ота-оналар умумий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланмиш психологик маданиятга, иккинчидан, педагогнинг (синф раҳбарининг) ўқувчи шахсига бўлган муносабатига, учинчидан, мактаб шароитида психологик ёрдам кўрсатишнинг талаб даражасида йўлга қўйилганлигига боғлиқдир.

Психологик ёрдам кўрсатиш амалиётида қўлланиладиган услублар сифатида психологик тренинг (назарий жиҳатдан психологик тренинглар шакллантирувчи, ривожлантирувчи, ўргатувчи каби турларга ажратилади), эркин ассоциациялар, йўналтирувчи интервью, видеоёзувлар таҳлили, аудио мулоқот, дилдан суҳбат, яхши кўрган жонзот, чалкашлаштириш, релаксация, ҳиссий кечинмаларни жонлаштириш, ижтимоий ролни мустаҳкамлаш, тасаввур этиш, психодрама, психологик моделлаштириш, жисмоний фаоллик, арт-терапия, учлик самараси кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар қаторида психологик тренинг Т.В.Зайцеванинг таъкидлашича, «маданий қурол»² сифатида ўқувчининг ривожланишини таъминлаш учун функционал аҳамият касб этади.

Аmmo психологик ёрдам олишга барча ҳам тайёр эмаслигини, гоҳида психологнинг фаолиятини тиббиёт ходимининг фаолиятидан ажрата олмайганликда ҳам кузатиш мумкин. Мутахассислар буни шахсий маданият тизимида психологик маданиятни етарлича шаклланмаганлиги деб баҳолашади³.

Аслида, психологик ёрдам кўрсатиш ўқувчи шахси ривожланишини таъминлаш йўлида тўсиқ бўлувчи турли шакл ва мазмундаги психологик нуқсонларнинг диагностикасини амалга ошириши ва уларнинг коррекциясини бажариш учун қўлланиладиган билим, услуб ва психотехникаларнинг натижаси ҳисобланади. Уни илмий-методологик, назарий-услубий, амалий-техник, касбий-ахлоқий, миллий-маданий, ҳуқуқий жиҳатлари мавжуд⁴. Мактаб психологи уларга қатъий амал қилиб, ота-оналарнинг амалий ёрдами билан ўқувчиларга психологик ёрдам кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Шунда мактаб ўқувчиси шахсининг психологик ривожланиши таъминланади.

Ижтимоий-психологик таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда психологик ёрдам кўрсатиш шакли институтционаллашиб бормоқда. Бу ўз навбатида мактаб психологининг фаолиятига ҳам таъсир кўрсатмоқдаки, унинг институтционаллашувининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

- психологик билимлар ривожланиб, мактаб психологи ўқувчи шахсига тааллуқли бўлган ҳар бир психологик элементни ўз функцияси бўйича амал

² Зайцева Т.В. Теория психологического тренинга (Психологический тренинг как инструментальное действие). – СПб.: «Речь», М.: «Смысл», 2002. –С.

³ Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. / Учеб. пособие в 2-х кн. – М.: УРАО, 2000. –С. 56-71

⁴ Джига Н.Д. Психолого-акмеологическая концепция созидания продуктивного субъекта образования. // Автореферат диссертация доктора психологических наук. – Кострома: «Университет», 2014. –С.32.

қилишини, динамик жихатдан ўқувчининг хулқида ифодаланишини психологик услублар воситасида белгилаб бериш имкониятига эга эканлиги;

- ота-оналар ўз фарзандларининг тақдири учун қайғуриб, уларнинг шахсий қадриятларини тўғри шакллантириш уларнинг вазифаси эканлигини англаганлиги сабабли психологик билимга, жумладан психологик ёрдам олишга эҳтиёж ошиб, мактаб психологи билан ҳамкорликда ишлашга киришаётганликлари шулар жумласидандир.

Таъкидланишича, тарбиявий фаолиятнинг мақсади, ўқувчи (фарзанд) шахсининг ривожланишини таъминлаб, тарбиявий жараён иштирокчиси сифатида унга аниқ бир машғулот (вазифа, фаолият тури) билан шуғулланишни, атрофдагилар ва ўзига нисбатан мақбул муносабатда бўлиш тарзини шакллантиришдан иборат⁵. Бу ўз навбатида тарбиявий фаолиятда маълум бир ижтимоий-психологик муносабатлар мажмуасининг амал қилишини тақозо этади. Мактаб психологининг фаолияти функцияларини инобатга олган ҳолда уни қуйидаги ижтимоий алоқадорлик тарзида кўрсатиб ўтиш мумкинки, натижа бевосита ибратли ўқувчи шахсини тарбиялашга йўналтирилгандир: «Мактаб (ижтимоий институт сифатида) ↔ Мактаб психологи (фаолият субъекти сифатида) ↔ Ўқитувчи (синф раҳбари, таълим берувчи) ↔ Ўқувчи ↔ Ўқувчилар жамоаси ↔ Ўқувчиларнинг ота-оналари ↔ Педагогик жамоа ↔ Маҳалла (ижтимоий педагог, тарбиячи) + Тарбиявий фаолият (мақсад, мотив, ҳаракат) = Ибратли ўқувчи шахси».

Тарбиявий фаолиятнинг натижаси кўринишида ўқувчи шахсида шаклланган янги шахсий сифатлар ифодаланиши мумкинки, уларнинг муҳимлари сифатида қуйидагиларни

кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ахлоқий меъёрлар, маиший ва ижтимоий ҳаёт тарзида амал қилувчи қоидаларни ўрганганлиги;

- дунёқарашнинг шаклланиши, англаган ҳаётий қадриятларни эгаллашга уринишларнинг амалга оширилиши;

- фаоллик кўрсатиб, атроф-муҳит ва ўзига нисбатан эътиборли бўлишининг ифодаланганлиги;

- меҳр кўрсатиш, ҳиссиётларни намоён этиш тарзини эгаллаш ва уларни намоён эта

олиш;

- билим олиш учун мустақил тарзда ахборот технологияларидан фойдалана билиш;

⁵ Kessel M., Kratzer J., Schultz C. Psychological safety, knowledge sharing, and creative performance in healthcare teams // Creativity and innovation management. 2012. Vol. 21, N 2. - P. 147-157.

- мулоқотга киришиш ва бошқалар билан ҳамкорликда фаолият юрита олиш;

Тарбиявий фаолиятнинг натижаси кўринишида ўқувчи шахсида шаклланган янги шахсий сифатлар ифодаланиши мумкинки, уларнинг муҳимлари сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ахлоқий меъёрлар, маиший ва ижтимоий ҳаёт тарзида амал қилувчи қоидаларни ўрганганлиги;

- дунёқарашнинг шаклланиши, англанган ҳаётий қадриятларни эгаллашга уринишларнинг амалга оширилиши;

- фаоллик кўрсатиб, атроф-муҳит ва ўзига нисбатан эътиборли бўлишининг ифодаланганлиги;

- меҳр кўрсатиш, ҳиссиётларни намоён этиш тарзини эгаллаш ва уларни намоён эта

олиш;

- билим олиш учун мустақил тарзда ахборот технологияларидан фойдалана билиш;

- мулоқотга киришиш ва бошқалар билан ҳамкорликда фаолият юрита олиш;

- функционал саводли бўлиб, мақсадга эришишни ташкил эта олиш;

- касб танлашга тайёр туриб, касбий муҳит шароитига мослаша олиш ва бошқалар.

Маълум бўлишича, тарбиявий фаолиятнинг натижаси ибратли инсон ва фидойи касб соҳибини тарбиялаш учун зарур ҳисобланиб, унинг мазмундорлигини таъминлашда мактаб психологининг иштироқи муҳим ҳисобланади. Мактаб психологи диагностика ўтказиш ва маслаҳат бериш, касбга йўналтириш ва психологик коррекция ўтказиш каби функцияларни бажариб, Д.И.Фельдштейннинг таъкидлашича, бу масалалар психологик тадқиқотларнинг истиқболдаги долзарб вазифалари ҳисобланади⁶. Бу таъкид ўз навбатида мактаб психологининг касбий фаолиятини илмий ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Мактаб психологи фаолияти давомида ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарига индивидуал ва гуруҳий тарзда амалийгик ёрдам кўрсатиши лозим бўлади. Мактаб шароитида тезкор психокоррекция ва фаол психокоррекция каби психологик ёрдам кўрсатиш турларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда психокоррекция услублари ва қўлланиладиган воситалари бир-биридан фарқланади.

⁶ Фельдштейн Д.И. Приоритетные направления развития психологических исследований в области образования и самообразования современного человека. // Журнал «Вопросы психологии», 2003, № 6. –С. 98.

Назарий жиҳатдан психокоррекция мактабгача таълим муассасалари ва мактаб тизимида болани объектив реалликни идрок этишида тенгқурларига нисбатан ўйин, турли машқларни бажаришида орқага қолиш ҳолатлари кузатилганда, аниқланган нуқсонларни тузатишда қўлланилиши тавсия этилади. Психокоррекциянинг мақсадини инобатга олиб, уни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Булар ўз навбатида мактаб шароитида амалий психологик ёрдам кўрсатиш турини белгилаш жараёни самарадорлигини таъминлаш учун хизмат қилади:

- мактаб ўқувчисини психик ривожланишини таъминловчи психокоррекция;
- мактаб ўқувчисининг ўйин, ўқув ва меҳнат фаолиятида кузатиладиган нуқсонларини тузатишга қаратилган психокоррекция;
- оилавий муносабатларда кузатилган муаммоларни тузатишга (мулоқот формаси, ўзаро муносабатлар характери ва шунга ўхшаш) қаратилган психокоррекция.

Адабиётлар рўйхати:

1. Джига Н.Д. Психолого-акмеологическая концепция созидания продуктивного субъекта образования. // Автореф... диссертации д-ра психологических наук. – Кострома: «Университет», 2014. –С. 47.
2. Зайцева Т.В. Теория психологического тренинга (Психологический тренинг как инструментальное действие). - СПб.: «Речь», М.: «Смысл», 2002. –С. 80.
3. Реан А.А. Практическая психодиагностика личности. / Учеб. пособие. - СПб.: «Питер», 2001. –С.54.
4. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. / Учеб. пособие в 2-х кн./ – М.: УРАО, 2000. –С. 56–71.
5. Родионов В.А., Ступницкая М.А. Взаимодействие педагога и психолога в учебном процессе. - Ярославль, 2001. –С. 45.
6. Рыданова И.И. Педагогические конфликты: пути преодоления. / Учебное пособие для студентов педагогических специальностей вузов. – Минск: БГУ, 1998. –С. 25–41.
7. Фельдштейн Д.И. Приоритетные направления развития психологических исследований в области образования и самообразования современного человека. // Журнал «Вопросы психологии», 2003, №6.
8. Хребина С.В. Организационная психология образования: феноменология и концепция развития. // Автореф... диссертации д-ра психологических наук. – Сочи: Научно-образовательный центр РАО, 2007. –С. 45.
9. Kessel M., Kratzer J., Schultz C. Psychological safety, knowledge sharing, and creative performance in healthcare teams // Creativity and innovation management. 2012. Vol. 21, N 2. - P. 147-157